

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**DEVELOPMENT OF PUBLIC SPORTS IN NEW UZBEKISTAN IS A PRIORITY
OBJECTIVE TO HEALTH OF THE NATIONAL GENE FUND****Zoirjon Sh. Yodgorov**

senior lecturer

Jizzakh Polytechnic Institute

Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: “New Uzbekistan”, “From the Strategy of Action - to the Strategy of Development” Physical Education and Sports, Healthy Generation, Mass Sports, Olympics, Healthy Lifestyle, Sports Selection, Olympic Sports, Olympic and Paralympic Colleges.

Abstract: The development of mass sports in the new Uzbekistan has become a priority at the level of state policy. The development of physical culture and sports is the result of effective political, economic and social reforms in the country. the ongoing reforms and its objectives have been revealed through in-depth analysis.

Received: 14.06.22**Accepted:** 16.06.22**Published:** 18.06.22**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ - МИЛЛАТ
ГЕНОФОНДИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИДИР****Зоиржон Ш. Ёдгоров**

катта ўқитувчиси

Жиззах политехника институти

Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “Янги Ўзбекистон”, “Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари” жисмоний тарбия ва спорт, Соғлом авлод, Оммавий спорт, Олимпиада, соғлом турмуш тарзи, спорт селекцияси, олимпия спорт турлари, Олимпия ва паралимпия коллежлари.

Annotatsiya: Янги Ўзбекистонда оммавий спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасида устувор вазифага айланиб улгурди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ривожланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг натижасидир. Оммавий спортни ривожлантириш орқали мамлакатни ҳар тамонлама ривожлантиришнинг ҳозирги кундаги устувор масаласи бўйича сўнгги бир неча йилларда давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар ва ундан кўзланган мақсадлар чуқур таҳлиллар орқали очиб берилган.

РАЗВИТИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО СПОРТА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ – ПРИОРИТЕТНАЯ ЗАДАЧА ЗДОРОВЬЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ГЕНОФОНДА

Зойрджон Ш. Ёдгоров

старший преподаватель

Джизакский политехнический институт

Джизак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: “Новый Узбекистан”, “От стратегии действий – к стратегии развития” Физкультура и спорт, Здоровое поколение, Массовый спорт, Олимпиада, Здоровый образ жизни, Спортивный отбор, Олимпийские виды спорта, Олимпийские и Паралимпийские колледжи.	Аннотация: Развитие массового спорта в новом Узбекистане стало приоритетом на уровне государственной политики. Развитие физической культуры и спорта является результатом эффективных политических, экономических и социальных реформ в стране выявляется в результате глубокого анализа.
--	---

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда сўнгги вақтларда оммавий спортни ривожлантириш, аҳолининг кенг қатлами ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил тизимли кенг чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, у устувор соҳа йўналишига айланиб улгурди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш долзарб вазифаларимиз қаторига киради. Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият беришимиз лозим [1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Янги Ўзбекистонда спортни оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни тайёрлаш бўйича ҳали олдимизда катта қилиниши керак ишлар турибди, камчиликлар бор, уларни бартараф этиш эса бизнинг вазифамиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугун юртдошларимизни, айниқса, ёшларимизни оммавий спортга жалб қилишнинг янги босқичида турибмиз. Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида - 2022 йил 28 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли Фармони қабул қилинди [2]. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти та устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид Давлат Дастури тасдиқланди.

Муҳтарам Президентимиз 2022 йил 23 май куни спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида ана шу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ҳозирги кунда спортни ривожлантиришга давлат томонидан етарлича эътибор қаратилиб, катта маблағ ажратиляпти. Масалан, сўнгги беш йилда спортни ривожлантиришга қарийб 4 триллион сўм йўналтирилиб, 118 та янги йирик спорт объекти фойдаланишга топширилди, 110 та объект реконструкция қилинди. Жорий йилда спорт соҳасига 2 триллион 300 миллиард сўм (2017 йилдан 5 баробар кўп), шундан спорт таълим муассасалари учун 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилди. — Лекин, спортдаги натижалар яратилган шароитларга ҳали мос эмас. Бунинг учун нима қилиш керак?

Муҳтарам Президентимиз ўтказган видеоселектор йиғилишида йиғилишда бу борада амалга оширишимиз керак бўлган чора-тадбирлар ҳақида гапириб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли топшириқлар берди. Шулардан келиб чиқиб олдимизга бир қатор вазифаларни белгилаб олишимиз керак.

Биринчидан, спортчиларни тайёрлаш ва селекция қилиш бўйича янги тизим жорий қилиш вазифаси қўйилди. Бунда биз асосий эътиборни маҳаллаларга қаратишимиз керак. Шу мақсадда “маҳаллабай” ишлаш тизимига ўтиш зарур бўлади. Демак, маҳаллаларда спорт мусобақалари ўтказиш орқали янада иқтидорли спортчи-ёшларни кашф қилиш имкони бўлади. Бунинг иқтисодий асослари ҳам бор. Бойси, давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳаллада апрель-июнь ва сентябрь-декабрь ойларида мусобақалар ташкил этиб, яхши натижа кўрсатган ёшларнинг электрон рўйхатини шакллантириш бўйича алоҳида топшириқ берди. Албатта, шароит бўлса, натижа ҳам кўринади. Шу мақсадда эндиликда электрон рўйхатга киритилган ёшлар ўз ҳудудидаги спорт мактабида ташкил этиладиган махсус гуруҳларда малакали мураббийлар раҳбарлигида бепул шуғулланиш имконига эга бўлади. Муҳтарам Президентимиз спорт мактаблари мураббийларининг иш ҳақи 35 фоизга оширилиши ҳақида ҳам айтиб ўтди. Агар моддий манфаат балқиб турган жойда самарадорлик бўлишини ҳисобга олсак, спорт мураббийлари олис қишлоқларда ҳам иқтидорли спортчиларни тарбиялашга жиддий киришишига ишонч билдирса бўлади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, эндиликда яхши натижа кўрсатган мактаб директорлари, мураббийлар ва бошқа мутахассисларга қўшимча 50 фоизгача

устама тўланади, жамоавий спорт турлари бўйича ҳудудий чемпионатларда спортчилари ғолиб бўлган мураббийларга эса 5 фоиз, Республика чемпионатида 20 фоиз устама берилади.

Иккинчидан, спортчиларни профессионал тайёрлаш тизими ислоҳ қилинади. Бундай ўйлаб кўрсак, спортчиларни тайёрлашга бўлган ёндашувларимиз ҳамон эски мезонлар асосида қотиб қолганини кўриш мумкин. Мантиқан қараганда шундай, 30 йил олдинги дастурлар асосида ишляпмиз. Президент топшириғига кўра, илғор хорижий тажриба ўрганилди. Шу асосда спортчиларни профессионал тайёрлаш бўйича янгича ишлаш тизимига ўтилади. Бунда бир қатор муҳим жиҳатлар бор. Масалан, коллежлар ҳар бир вилоятда олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази сифатида ташкил этилади. Марказлар ҳузурида 5-9 синфлар учун Олимпия мактаблари, 10-11 синфлар ва 1-2 курслар учун Олимпия ва паралимпия коллежлари бўлади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида яхши натижа кўрсатган ёшлар Олимпия мактабида таълим олади ва чуқурлаштирилган спорт билан шуғулланади. Ихтисослашган спорт мактаблари битирувчилари коллежларга 1-курсга қабул қилиниб, тайёргарликнинг узлуксиз тизими яратилади [3].

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида илғор тренер ва хорижий экспертлардан иборат Мураббийлар кенгаши ташкил этилиб, мусобақаларда энг юқори натижага эришган спортчиларни коллежларга саралаб олади, шунингдек, коллеж битирувчилари Олий спорт маҳорати институтига қабул қилинади. Бундан кўринадики, ҳали олдимизда ниҳоятда масъулиятли вазифалар, муҳим чора-тадбирларни бажариш кечиктирмасдан зудликда ҳал қилиш юки турибди.

Учинчидан, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳам янгича мезонлар асосида ишлашга ўтади. Юртбошимиз топшириғига кўра, эндиликда вазирлик мутасаддилари 279 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги шарт-шароит ва мураббийлар малакасини жойига бориб ўрганиши ҳамда уларни олимпия спорт турларига ихтисослаштириши зарур бўлади. Ҳар бир спорт мактабини ўз ҳудудидаги маҳалла, мактаб ва техникумлар билан боғлаб, уларда камида 1 тадан олимпия спорти тўғарақларини ташкил этиш ҳам кун тартибидаги асосий масалалар.

Бундан ташқари, Спортни ривожлантириш вазирлиги йил якунигача спортчиларни маҳалладан бошлаб танлаб олиш бўйича электрон платформани ишга тушириш, натижа кўрсатган маҳаллаларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, спорт мактабларини тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва спорт кийимлари билан таъминлаш учун 2022 йилда 35 миллиард сўм ажратиш, 1 сентябргача мактаб, спорт мактаби, коллеж ва олийгоҳларнинг залларини ноолимпия спорт турлари клубларига бепул бериш тартибини жорий этиш каби долзарб масалаларни ҳал этишга киришади.

Тўртинчидан, энди ҳокимлар ҳам “ўзини спортга уради”. Негаки, Юртбошимиз ҳақли танқид қилганидек, шу кунгача ҳокимлар спортни ривожлантириш масаласи ҳақида кўп ҳам

қайғурмадилар. Спорт четдаги масала бўлиб қолаверди, кун тартибига қўйилмади. Натижада бирорта вилоят, туман ёки шаҳар ҳокими спортнинг барча турлари бўйича тизимли ишлашни йўлга қўя олгани йўқ.

— Бугунги селектордан, айниқса, туман-шаҳар ҳокимлари ва сектор раҳбарлари хулоса қилиб, оммавий спортни ривожлантириш бўйича ишларни жадаллаштириши керак. Бу борада сўров доимий ва қаттиқ бўлади, — деди Президентимиз.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, вазирлик ва вилоят ҳокимлари ёшларнинг 43 фоизи (6 миллиондан ортиқ) оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш бўйича зарур чоралар қўриши шартлиги кўрсатилди. Бешинчидан, Жисмоний тарбия ва спорт университети, республика малака ошириш ҳамда спорт илмий-тадқиқот институтлари фаолияти ҳам жонланади. Сабаби, давлатимиз раҳбари спорт таълими ва илмини ривожлантириш бўйича ҳам танқидий фикрлар айтиб, бир қатор аниқ вазифаларни белгилаб берди. Соҳада илмий изланишлар самарадорлигини оширишга киришамиз.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугун “Янги Ўзбекистонда” жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор, ёшларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, буларнинг барчаси ёшларимизнинг маънавий етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари, ҳар-хил ёт ғояларга берилмасликлари, қолаверса дунёда ўзбек байроғини юқорига кўтарилишига хизмат қилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистондаги Учинчи Ренессанс жисмоний тарбия ва спортни юксалтиришга ҳам йўналтирилганлиги ушбу “хаётий қобилят” ни ошириш мақсади кўзланганлиги билан изоҳланади.

Осиё олимпия кенгаши томонидан 2025 йилда Ёшлар ўртасида Осиё ўйинларини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича қарор қабул қилинган. Бу мамлакатимизга билдирилган катта ишонч ва эътибор, десак, тўғри бўлади. Айни вақтда бунинг масъулияти ҳам катта эканини биз яхши тушунамиз. Қўтғамиз миқёсдаги ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик бошланди. **Жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш – аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим омилдир**[4].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам “Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз”[5], деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбарининг беш ижобий ташаббусидан иккинчиси ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилганлиги бунинг амалий исботидир. Бу жамиятда соғлом турмуш тарзини – жисмоний фаоллик, бадантарбия машқлари, спорт билан мунтазам шуғулланиш қарор топишининг асосидир.

Бугунги кунда спорт ва соғломлаштириш жараёнларининг натижадорлиги Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифалари билан узвий боғлиқ эканини англаган ҳолда масъулият билан ҳаракат қилишимиз лозим[6].

Ўзбек спорти методикасини яратиш ҳам олдимиздаги долзарб вазифа бўлиб қолади. Бу бўйича биз тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда “Йўл харитаси” ишлаб чиқамиз ва зарур чора-тадбирларни кўрамиз. Асосий эътибор спортчиларни олимпия спорт турлари бўйича жисмоний ва руҳий тайёрлаш, соғлом овқатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, келгуси ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Давлат Жисмоний Тарбия ва Спорт университетида спорт диетологияси, муҳандислиги ва кардиомашғулотлар, Тошкент Тиббиёт Академиясида эса спорт медицинаси ва фармакологияси бўйича мутахассислар тайёрлашга қаратилади. Шунингдек, йилига камида 20 нафар маҳаллий мураббий, спорт шифокори ва бошқа мутахассислар хорижда малака ошириш тизимини жорий этиш, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти фаолиятини танкидий кўриб чиқиб, уни такомиллаштириш бўйича ҳам ишлар бошланади. Бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзи, оммавий спортни ривожлантириш ва халқаро майдонларда юксак натижа кўрсата олишга қодир спортчиларни тайёрлашнинг янги ва замонавий тизимига ўтилмоқда. Бу йўл, мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек — сиёсат. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги айниқса, оммавий спортни ривожлантириш масаласининг ечим топиши, аввало, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, пировардида Янги Ўзбекистон халқининг генофондини соғломлаштиришга, ватанимиздан номи улуғ спортчилар етишиб чиқишига катта замин яратади. Бугун Янги Ўзбекистон ёшлари жаҳон спорт майдонига чиқиб, энг баланд мартабали турли Олимпиада, Жаҳон чемпионати ва Осиё чемпионатларида, кескин курашларда тенгсиз ғалабага эришиб, улуғ аجدодларимизга муносиб ворислар эканини қайта-қайта намоён этаётган экан, бу-ўз вақтида уларга кўрсатилган ғамхўрликнинг, келажаги буюк ёш авлоднинг истиқболи йўлида амалга оширилган бекиёс эзгу ишларнинг аниқ ёрқин самарасидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси 5-жилд. Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2021 йил. 219-бет.

2. 2022 йил 28 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович раислигида 2022 йил 23 май куни Спортчиларни тайёрлаш ва селекция қилиш бўйича янги тизим жорий қилинади. Спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2022 йил, 24 май, № 106 (8168).

4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2021 йил.219-220 бет.

5. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.3-жилд. Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2019 йил.36-бет.

6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2021 йил.223-бет.